O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 25 июль, № 147 (4557) Жума

# САҲРО БАҒРИДАГИ МЎЪЖИЗА



**Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир**

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан жорий йилнинг 1 июлида «Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳрининг 50 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилинди. Мазкур қарор ҳамда унда белгиланган чуқур инсонпарварлик ва бунёдкорлик руҳидаги тадбирлар навоийликларни беҳад тўлқинлантириб юборди.

Чиндан ҳам, Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳрининг мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятини ривожлантиришда, унинг ободлиги ва фаровонлигини таъминлашда, Ўзбекистоннинг халқаро мавқеини оширишда ғоятда шарафли хизматлари бор. Давлатимиз раҳбарининг қарорида булар алоҳида таъкидланган. Комбинат ва шаҳарнинг 50 йиллик тўйи шу йилнинг ноябрь ойида нишонланади.

**▼ Ифтихор**

Қарорда кўрсатиб ўтилганидек, ушбу муҳим воқеа олдидан Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳрининг тарихи ҳамда бугунги кундаги тараққиётини мамлакатимизда ва хорижда кенг тарғиб этиш тадбирлари ташкил этилади. Шаҳар ва комбинатни янада ободонлаштириш, янги объектларни қуриш, мавжуд ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш бўйича кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилади. Шунингдек, Навоий шаҳрини ҳамда комбинатни барпо этиш ва ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшган фидойи, ватанпарвар инсонларга давлатимиз ва халқимиз томонидан муносиб иззат-эҳтиромлар кўрсатилади.

(Давоми 2-бетда).



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Олий таълим муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш ва таълим-тарбия ишлари даражаси ҳамда сифатини оширишда уларни моддий рағбатлантиришнинг самарали механизмини жорий этиш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ҳамда соҳаларида эҳтиёж сезилаётган юқори малакали, рақобатдош кадрлар тайёрлашда профессор-ўқитувчилар таркиби қўшаётган ҳиссаси муносиб баҳоланишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий лавозим маошларига амалдаги доимий устама ва қўшимча тўловларни қўшган ҳолда такомиллаштирилган тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 июлдаги ПФ-4014-сонли Фармонига мувофиқ бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,2 баробар оширилиши билан бир қаторда олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларига жорий этилаётган базавий лавозим маошларини ўртача 25 фоиз миқдорида, жами эса 1,5 баробарга оширишни назарда тутсин.

3. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларининг лавозим маошларига алоҳида иш шароитлари, хорижий тилларни билиши, муайян хизмат муддатини адо этганлиги учун қўшимча ҳақ тўлаш ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа қўшимча ҳақ тўлашнинг амалдаги турлари ва миқдорлари сақлаб қолинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар мазкур қарорда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда:

олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий лавозим маошларини;

Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низомни тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 24 июль

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

***Президент Ислом Каримовнинг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар Дастури тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан жойларда учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар, мулоқотлар ва давра суҳбатлари давом этаётир.***

Наманган шаҳрида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамда Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган навбатдаги семинар инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишланди.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон — Кувайт:

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИНИ ОЧУВЧИ ТАШРИФ

*Хорижий мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари Кувайт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳнинг юртимизга амалга оширган расмий ташрифини кенг шарҳламоқда.*

Жумладан, Кувайтнинг «Ал-Қабас», «Ал-Рай», «Ал-Ватан», «Ал-Жарида», «Авани», «Kuwait Times», «Arab Times», «Ал-Анба» ва бошқа газеталари ўз саҳифаларида икки томонлама муносабатлар ривожининг асосий босқичлари, буюк ота-боболаримизнинг инсоният цивилизацияси ва маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссаси, шунингдек, мамлакатимизнинг сўнгги йиллардаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётига бағишланган туркум мақолаларни эълон қилди.

Барча оммавий ахборот воситалари икки мамлакат раҳбарияти ва халқи ўртасидаги ўзаро муносабатлар самимий ва дўстона руҳ касб этаётганига алоҳида урғу бериб ўтган.

Жумладан, **Кувайтнинг «КУНА» ахборот агентлиги** хабарида ёзилишича, «1991 йил декабрь ойида Кувайт Ўзбекистон мустақиллигини тан олган даврдан бошлаб, икки мамлакат ўртасидаги алоқалар турли соҳаларда изчил ривожланиб келмоқда.

Ўзбекистон Шарқий ва Ғарбий Осиё ҳудудларини боғловчи ўзига хос мустаҳкам кўприкдир. У нафақат ўзининг муҳим жўғрофий жойлашуви, балки ислом цивилизациясида тутган алоҳида ўрни ва нуфузи, бой тарихи билан ажралиб туради».

**«Ал-Кабас» газетаси** ўз мақоласини «Кувайт Давлати Амирининг тарихий ташрифи ҳамкорликнинг янги уфқларини очади», деб номлаган.

«Яқин ҳамкорлик ва ўзаро тушуниш руҳида кечган музокаралар чоғида томонлар муносабатлар ривожидан қониқиш изҳор этиб, алоқаларни янада юксак даражага кўтариш ва жадаллаштириш имкониятларини атрофлича муҳокама қилди, — дейди нашр. — Учрашувларда иқтисодий, савдо ва маданий соҳалардаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун катта салоҳият мавжудлиги таъкидланди. Томонлар Ўзбекистон иқтисодиётига Кувайт сармояларини жалб этиш, икки мамлакат ўртасидаги савдо айирбошлашнинг барча шаклларини қўллаб-қувватлаш бўйича аҳдлашувларга эришди. Икки давлат иқтисодий тузилмалари ва ишбилармон доиралари вакиллари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатиш, уларни рағбатлантириш ва кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

**▼ Дунё нигоҳи**

Мамлакатлар раҳбарлари, шунингдек, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашди. Яқин ва Ўрта Шарқда ҳамда Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, терроризм ва экстремизмнинг барча кўринишларига қарши курашда БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни давом эттириш зарурлиги таъкидланиб, бу борада томонларнинг нуқтаи назарлари муштарак экани қайд этилди.

Тарихий, маданий ва маънавий қадриятларнинг яқинлигидан келиб чиққан ҳолда томонлар ислом динининг маданий ва илмий меросини асраб-авайлаш ҳамда уни тадқиқ қилиш йўлларини муҳокама қилди. Икки мамлакат раҳбарлари дунёда бағрикенг ислом тамойилларини мустаҳкамлаш йўлидаги фикр-мулоҳаза алмашинуви ва ҳамкорлик жараёнини давом эттириш зарурлигини таъкидладилар. Шунингдек, улар терроризм ва экстремизмни ислом дини билан боғлашга бўлган уринишларни кескин қораладилар».

**«Arab Times» газетасида** қайд этилишича, «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2004 йилда Кувайт Давлатига буюрган ташрифи давомида икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда икки томонлама муносабатларнинг ривожига мустаҳкам тамал тоши қўйилган эди. Ташриф чоғида иқтисодиёт, савдо, илм-фан, хорижий сармояларни рағбатлантириш ва икки томонлама солиққа тортишдан қочиш, ҳаво транспорти орқали юк ташиш ва жиноятчиликка қарши кураш соҳаларида ҳамкорлик қилиш ҳақида битимлар имзоланган эди».

**Кувайт телевидениесининг биринчи канали** янгиликлар дастурларида томошабинлар эътиборига Кувайт Давлати раҳбарининг Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифига бағишланган ҳужжатли фильмлар араб ва инглиз тилларида тақдим этилди. Уларда Тошкент халқаро аэропорти ҳамда Дўрмон қароргоҳидаги кутиб олиш маросимлари, давлат раҳбарлари иштирокидаги ҳукуматлараро ва идоралараро битимларнинг имзоланиши, Кувайт Амири Ҳазрати Имом мажмуасини зиёрат қилиб, муқаддас Қуръоннинг Усмон ибн Аффон Мусҳафини кўздан кечириши, шунингдек, Ўзбекистон Президенти номидан олий мартабали меҳмон шарафига ўтказилган қабул маросими акс этган.

(Давоми 2-бетда).

***Президент Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 8 февралдаги 2007 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилдаислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим вазифаларига бағишланган мажлисида сўзлаган маърузасида илгари сурилган вазифалар ижроси юзасидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида муайян ишлар амалга оширилмоқда.***

## ЮТУҚ ВА РЕЖАЛАР ТАҲЛИЛИ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ** фаолларининг ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилишида ана шулар хусусида сўз борди. Вазирлар Кенгаши раиси Б. Янгибоев бошқарган йиғилишда республикада жорий йилнинг биринчи ярмида макроиқтисодиётни барқарорлаштириш, иқтисодиётнинг изчил мувозанат асосида ривожланишини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилгани қайд этилди. Хусусан, бу даврда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 9,3 фоиз, саноат моллари ишлаб чиқариш ҳажми 14,2 фоиз, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 12,1 фоиз, чакана савдо айланмаси 18 фоиз, пуллик хизмат кўрсатиш 14,2 фоиз ўсди. Маҳсулот экспорти 20,6 фоизга кўпайди.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, етакчи тармоқларни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилаш чора-тадбирлари давом эттирилмоқда. Инвестицияларнинг умумий ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,2 фоизга ортди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш кўрсаткичлари 3,2 фоиз ўсди. Ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури доирасида ёғ-мой, дон маҳсулотлари, енгил ва пахта тозалаш корхоналарида модернизациялаш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Қорақалпоғистонда ҳисобот даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришдаги салмоғи 40,3 фоизни ташкил этди. Хизмат кўрсатиш ҳажмининг 25,1 фоизга ўсиши таъминланди.

Шу билан бирга, йиғилишда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш борасида айрим камчиликларга йўл қўйилаётгани танқид қилинди. Уларни ўз вақтида бартараф этиш юзасидан мутасадди раҳбарларга йўл-йўриқ ва кўрсатмалар берилди. Мажлисда иқтисодиётни ривожлантиришнинг долзарб вазифалари белгиланиб, муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н. Хонов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М. Ерниязов иштирок этди.

**А. ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

* * *

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ** фаоллари йиғилишида таъкидланганидек, ҳисобот даврида ялпи ички маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 110,6 фоизни ташкил этди.

Унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши 62,9 фоизга етгани бу борадаги ислоҳотлар ўз самарасини бераётганидан далолатдир. Вилоятда хорижий инвестицияларни жалб қилиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,9 фоиз ошди. Ўтган вақт ичида 10,8 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий сармоя киритилди.

Иқтисодий барқарорликнинг таъминланиши вилоят аҳолиси турмуш даражасини янада яхшилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, аҳолининг бандлик даражасини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоят миқёсида иқтисодиётнинг барча тармоқларида жами 26323 та иш жойи яратилди. Шундан 26,7 фоизини касаначилик асосида очилган иш ўринлари ташкил этади.

Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Ёшлар йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан ҳам қатор ибратли ишлар амалга оширилаётир. Ўтган давр мобайнида ана шу мақсадда 46,4 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Йиғилишда вилоятда ўтган олти ой давомида қўлга киритилган ютуқлар, ижобий кўрсаткичлар билан бир қаторда муайян камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилгани танқид қилинди. Жумла-

(Давоми 2-бетда).



Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

## ЁШ ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

***Ўзбекистонлик ёш шахматчилар мустақиллигимизнинг 17 йиллик тантаналарига ажойиб совға ҳозирлашди.***

Ҳамюртларимиз шу йилнинг 15-22 июль кунлари Эрон пойтахти Теҳронда 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида ўтказилган навбатдаги Осиё чемпионати совриндорлари сафидан жой олишди.

Ўз ёш тоифаси бўйича (8 ёш) вакилимиз Ортиқ Неъматов 7 имкониятдан 5,5 очко тўплаб, кумуш медаль совриндори бўлди.

14 ёшгача бўлган иштирокчилар орасида Сарвиноз Қурбонбоева (5 очко), 18 ёшгача бўлган шахматчилар баҳсида эса Нафиса Мўминова (5 очко) терма жамоамиз хазинасига кумуш медалларни туҳфа этишди.

**▼ Фахр**

Кеча Тошкент халқаро аэропортида ғолиб спортчиларимиз катта тантана билан кутиб олинди.

— Рақибларимиз ҳам анча кучли эди,— дейди Осиё чемпионати совриндори Нафиса Мўминова.— Биз бор имкониятимизни ишга солиб, улардан кам эмаслигимизни исботладик. Тенгдошларимга, умуман барча ўзбекистонлик ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва яратилаётган шароитлар учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдираман. Бундан ҳам нуфузли мусобақаларда зафар қучишга ваъда бераман.

**Т. ЗИЁЕВ.**

***Ҳар бир давлат жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, парламентнинг фаолият юритиш тамойилларини, унинг тузилиши масалаларини ўзига хос ва мос тарзда ҳал қилади. Шу жиҳатдан, Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси алоҳида аҳамиятга эга. Президентимизнинг ушбу мажлисдаги маърузасида Сенатнинг бир йиллик фаолияти таҳлил қилиниб, ривожланишнинг кейинги босқичларида Сенат ва маҳаллий кенгашлар ҳамкорлиги масаласи юқори палата фаолиятидаги устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилган эди.***

## Миллий парламентаризм:

# АМАЛИЁТ ВА ТАЖРИБА

Президентимиз маърузасида илгари сурилган бундай ғояни амалга ошириш нафақат амалиётчилар, балки илмий ходимлар, хусусан, ижтимоий-гуманитар фан вакиллари олдига ҳам долзарб вазифаларни қўяди.

Ўтган давр мобайнида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан Сенат ҳамкорлиги борасида сезиларли ишлар қилинди. Маълумки, «Сенат тўғрисида»ги Конституциявий қонунга кўра, юқори палата таркибини вилоят, туман, шаҳар Кенгашига сайланган депутатларнинг вакиллари ташкил қилади. Айни чоғда сайланган сенаторлар, ўз навбатида, у ёки бу маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамдир. Демак, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ўзлари сайлаган сенаторлар орқали билвосита қонунлар қабул қилишда, улар ижросининг назоратида ҳам иштирок этадилар.

Табиийки, давлатимиз раҳбари қўйган вазифа, яъни Олий Мажлис палатаси аъзоларининг маҳаллий Кенгаш депутатлари билан мунтазам учрашувлари ва ҳисоб беришлари Олий Мажлис Сенати ҳамда маҳаллий Кенгашлар фаолияти уйғунлашувида муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан кейинги пайтларда сенаторларнинг маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан учрашувлар ўтказиб, уларга Сенат фаолияти ҳақида ҳисобот беришлари анъанага айланиб бормоқда.

Ўзбекистонда икки палатали парламентни ташкил этиш ғоясининг ташаббускори бўлган Президентимиз нафақат замонавий парламентаризмнинг назарий-концептуал жиҳатларини аниқлаб берди, балки юқори палата — Сенат фаолиятининг, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар ишларининг амалий жиҳатлари билан боғлиқ масалаларга ҳам ойдинлик киритди.

Парламент юқори палатасининг маҳаллий Кенгашлар депутатлари корпуси билан ҳамкорлик ғояси орқали давлатимиз раҳбари ўзбек парламентчилиги назарий асосларини янги қоида билан бойитиб, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг демократик жамиятни шакллантиришдаги ўрни ва ролига юқори баҳо берди. Шу билан бирга, бу фикрни маҳаллий Кенгаш депутатларига Президент томонидан юксак ишонч деб ҳам, айни вақтда, минтақавий муаммолар ҳал этилишида маҳаллий Кенгаш депутатлари зиммасига катта масъулият юкланиши, деб ҳам қаралмоғи лозим.

Маълумки, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 19-мод-

### ▼ Депутат минбари

дасига мувофиқ, вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари ваколатига таааллуқли масалаларнинг олдиндан кўриб чиқилиши ва ҳал этилишига кўмаклашиш, ўз ваколатлари доирасида улар ижросини назорат қилиб бориш вазифасини бажариш учун депутатлар орасидан доимий комиссиялар тузилади.

Биз яқинда Олий Мажлис Сенати ишчи гуруҳи таркибида халқ депутатлари Наманган шаҳар ва туман Кенгашлари доимий комиссиялари фаолияти билан яқиндан танишдик. Шундай хулосага келдикки, улар ўз фаолиятларини мавжуд Низом асосида ташкил қилмоқдалар. Хусусан, халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши комиссияси томонидан сайловчиларни қабул қилиш муддатлари белгилаб чиқилган ва унга қатъий амал қилинади.

Эътиборлиси шундаки, доимий комиссия аъзолари сайловчилар томонидан кўтарилган масалаларни тезроқ ҳал қилишга кўмаклашиш мақсадида ҳар душанба куни ўтадиган ҳокимлик соатида иштирок этадилар ва уларнинг ечимини топишда фаол ҳамкорлик кўрсатадилар. Бундан ташқари, доимий комиссия аъзолари ташаббуси билан минтақага оид масалалар кенгаш сессияларига олиб чиқилмоқда. Жумладан, Наманган шаҳри ва Наманган тумани Кенгашлари «Ёшлар йили» Давлат дастурини бажариш масаласини сессияларда муҳокама қилиш таклифини илгари сурдилар.

Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вилоятдаги ҳамма Кенгашлар доимий комиссиялари ҳам Низом талаблари асосида иш олиб бормоқда, деб бўлмайди. Айрим доимий комиссиялар фаолиятида ваколат доирасига мос келмайдиган қарорлар қабул қилиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Масалан, комиссия қарори, Низомга мувофиқ, тавсия тусида эмас, балки буйруқ оҳангида ёзилиш ҳолатлари учраб туради. Ваҳоланки, бундай топшириқ руҳидаги қарорлар фақат халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгаши сессиялари томонидан қабул қилинади.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг «Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг 2005-2007 йиллардаги фаолияти тўғрисида»ги қарорида кўрсатиб ўтилганидек, маҳаллий Кенгашлар ва уларнинг доимий комиссияларининг минтақа учун долзарб бўлган устувор вазифаларини мунтазам равишда сессиялар ва доимий комиссиялар мажлисларида муҳокама этиш, доимий комиссияларнинг қилинган ишлар юзасидан ҳисоботларини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари мажлислари, йиғилишларида эшитиб боришда камчиликларга йўл қўйилган.

Маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари фаолиятини жонлантириш нафақат Сенат қўмиталари билан биргаликда ишни ташкил қилишни, балки маҳаллий Кенгаш доимий комиссияларининг қуйи Кенгашлар доимий комиссиялари, шунингдек, ўзини ўзи бошқариш органлари оқсоқоллари билан ҳам ҳамкорлигини кучайтиришни тақозо этади. Бинобарин, барча қонунлар, давлат ҳокимияти органлари қарорлари маҳаллаларда ижро этилади. Маҳалла аҳолининг сиёсий онги шаклланадиган маскандир.

Ўйлаймизки, юқоридаги мулоҳазалар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссиялари ҳамда депутатлар фаолиятини янада яхшилаш, уларнинг Сенат қўмиталари билан ҳамкорлигини кучайтириш, ўз навбатида, мамлакатимизда кечаётган янгиланиш жараёнида фуқаролар иштирокини янада кенгайтириш имконини беради.

**Турсунбой ФАЙЗУЛЛАЕВ,**
**халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлиги доимий комиссияси раиси.**

## Ўзбекистон — Кувайт:

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИНИ ОЧУВЧИ ТАШРИФ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Деярли барча газеталар Амир Ҳазрати Имом мажмуасини зиёрат қилиб, қадимий Усмон Мусҳафини кўздан кечирганига алоҳида эътибор қаратди.

«Давлат раҳбари, — деб ёзади нашрлар, — мажмуанинг бунёд этилиш тарихи билан яқиндан танишди ва мўътабар меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди».

Шунингдек, мақолаларда расмий ташриф чоғида имзоланган битим ва меморандумларга алоҳида эътибор қаратилиб, ҳужжатлар ўзаро алоқаларни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

«Кувайт Амири кўрсатилган самимий меҳмондўстлик учун Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига миннатдорлик билдирди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни Кувайтга расмий ташриф буюришга таклиф этди. Кувайт раҳбарининг таклифи мамнуният билан қабул қилинди», деб ёзади Кувайт босма ва электрон нашрлари.

«Kuwait Times» ва «Ал-Ватан» газеталари саҳифалари ҳамда «КУНА» ахборот агентлигининг интернетдаги сайтида эълон қилинган «Ўзбекистонга 3,5 миллион Кувайт динори миқдорида кредит ажратилди», «Кувайт Араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси Ўзбекистонга 3,5 миллион динор ажратиш бўйича кредит шартномасини имзолади» сарлавҳали мақолалар эълон қилинди. Уларда Республика ихтисослашган хирургия маркази кардиохирургия бўлимини таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича лойиҳани молиялаштириш тўғрисидаги кредит шартномаси ҳамда қатор бошқа ҳужжатлар имзолангани тўғрисида хабар берилади.

**«Ал-Анба» газетасида** ёзилишича, «Айни пайтда Ўзбекистон Марказий Осиёнинг саноати ривожланган давлатларидан бири ҳисобланади. Мамлакатда амалга оширилаётган очиқ ва оқилона сиёсат ҳамда қулай сармоявий муҳит боис, истиқлол йилларида Ўзбекистонга қарийб 25 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги хорижий сармоялар жалб этилди».

Кувайт матбуоти жамоатчилик эътиборини Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк олиму мутафаккирларнинг мамлакат тарихи ва жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси мавзусига қаратади.

**«Ал-Анба»** бу хусусда, жумладан, шундай ёзади: «Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Бурҳониддин ал-Марғиноний каби буюк алломалар диний ва дунёвий билимлар ҳамда ислом маданияти ва цивилизацияси ривожида ўчмас из қолдирган инсонлардир. Улардан Ўзбекистон халқига бебаҳо илмий-маданий аҳамиятга эга бўлган кўплаб нодир китоб ва қўлёзмалар мерос қолган. Айни пайтда мамлакат ҳудудида 4 мингдан зиёд меъморий ёдгорлик мавжуд. Имом Бухорий, Исмоил Сомоний, Шоҳи Зинда, Ҳожи Баҳоуддин Нақшбанд, Регистон мажмуаси, Улуғбек расадхонаси, шунингдек, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларда жойлашган осори-атиқалар шулар жумласидандир».

**Мисрнинг араб тилидаги «Ал-Элаф» интернет-газетаси** саҳифасида эълон қилинган мақолада шундай дейилади: «Бугунги кунда ҳар икки давлат ҳам турли соҳаларда ўзаро дўстона муносабатларни ривожлантириб келмоқда. Кувайт томони ҳукуматлар ва парламентлараро алоқаларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб, Ўзбекистонга нафақат Марказий Осиёдаги муҳим ва нуфузли давлат, балки ислом дининининг чуқур илдизларига эга бўлган замин сифатида қараб, у билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга интилмоқда».

**Баҳрайн ахборот агентлиги**нинг хабар беришича, Кувайт Амирининг ташрифи давомида имзоланган қўшма баёнотда томонлар долзарб масалалар бўйича БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга келишиб олдилар. «Бинобарин, мамлакатларнинг бу каби масалаларга нисбатан ёндашувлари яқин ва муштарак бўлиб, улар орасида Яқин Шарқ ҳамда Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни ўрнатиш, ҳамкорликни ривожлантириш, терроризмнинг барча кўриниш ва шаклларига қарши курашиш каби масалалар борлигини таъкидлаш жоиз».

**Малайзия ахборот агентлиги Кувайт** Амирининг Ўзбекистонга ташрифини шарҳлаб, қуйидагиларни ёзади:

«Азал-азалдан икки мамлакат халқларининг тарихий, маданий ва диний қадриятлари бир-бирига яқин бўлиб келган. Тошкентдаги учрашувлар чоғида Кувайт билан Ўзбекистоннинг бебаҳо тарихий, маданий ва диний мероси ҳамда икки мамлакатнинг ислом дунёсидаги нуфузини ҳисобга олган ҳолда бағрикенг ислом ғояларини мустаҳкамлаш йўлидаги биргаликдаги фаолиятни давом эттириш муҳим экани қайд этилди. Муқаддас ислом динини терроризм ва экстремизм каби тушунчалар билан боғлашга қаратилган ҳар қандай уринишлар қораланди.

Давлатлар раҳбарлари Кувайт билан Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги ҳолатини кўриб чиқиб, ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганидан қониқиш изҳор қилдилар ва уларни янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашдилар».

Малайзия агентлигининг ёзишича, «томонлар савдо-иқтисодий ва маданий соҳалардаги ўзаро алмашинувни чуқурлаштириш борасида улкан салоҳият мавжудлигини қайд этган. Улар мазкур йўналишлардаги ҳамкорликни фаоллаштиришга, шунингдек, Ўзбекистонга Кувайт сармояларини жалб этиш ва икки томонлама товар айирбошлаш ҳажмини юксалтириш, маҳсулот турларини кенгайтиришга қаратилган чораларни ҳаётга татбиқ этишга келишиб олди».

«Учрашув ва музокаралар чоғида томонлар икки мамлакат ишбилармон доиралари ва иқтисодий компаниялари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш ҳамда бу муносабатларни икки давлат манфаатлари йўлида фаоллаштириш зарурлигини таъкидлади», деб якунланади хабар .

Шунингдек, Кувайт раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифига бағишлаб Саудия Арабистони ва Ўмон ахборот агентликлари, Россиянинг «Интерфакс» ва «ИТАР-ТАСС» ахборот маҳкамалари ҳамда бошқа хорижий оммавий ахборот воситалари ўз хабар ва репортажларини тарқатди.

Уларда айтилишича, мазкур ташриф ва унинг асносида имзоланган «стратегик битим ва англашув меморандумлари» Ўзбекистон-Кувайт алоқаларининг янада мустаҳкамланишига ҳамда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг кенгайишига хизмат қилади.

**«Жаҳон» АА.**

## Қорақалпоғистон томонларда

### «Саломатлик поезди» — Оролбўйида

**М**амлакатимиз пойтахтидан Оролбўйига таркибида тажрибали шифокорлар бўлган «Саломатлик поезди» етиб келди.

Поезд «Нукус», «Ёшлик», «Қорақалпоғистон» ва бошқа станцияларда тўхтаб, темирйўлчилар ва уларнинг оилаларини тиббий кўрикдан ўтказди.

Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган дори-дармонлар беморларга бепул тарқатилмоқда.

### Қалдирғоч мутахассислар

**Қ**ўнғирот сода заводи қошида очилган Тошкент химия-технология институтининг махсус сиртқи бўлимини бу йил илк бор бир гуруҳ талабалар битириб чиқишди.

Химик-технолог, технологик машина ва ускуналар, коммуникация қурилиши муҳандиси, электротехника, электромеханика ва электротехнология мутахассиси бўлиб етишган ёшлар ҳадемай корхонада иш бошлайдилар.

### Байрамолди учрашувлари

**М**устақилликнинг 17 йиллиги яқинлашиб келаётган шу кунларда Тошкентдан ташриф буюрган бир гуруҳ таниқли олимлар, ёзувчи, шоир ва санъаткорлар Қорақалпоғистон туманларида қизиқарли учрашувлар ўтказдилар.

Уч кун давом этган тадбир доирасида жойлардаги ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалар, меҳнат ва уруш фахрийларига совғалар топширилди.

### Дармен — ғолиб

**Я**қинда Фарғона водийсида «Компьютер саводхонлиги бўйича ўқув-методик адабиётларнинг электрон вариантлари ва педагогик дастурий қуроллари» мавзусида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда Нукус тумани халқ таълими бўлимига қарашли 21-сонли мактабнинг информатика фани ўқитувчиси Дармен Қўнарбоев биринчи ўрин соҳиби бўлди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# САҲРО БАҒРИДАГИ МЎЪЖИЗА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарҳақиқат, Қизилқум саҳросида улуғ ўзбек шоири номидаги шаҳар ва маҳобатли комбинатнинг бунёд этилиши осон кечмаган. Бу ватандошларимизнинг мислсиз бунёдкорлик кучқудратига ва заҳматкашлигига яққол бир кўзгудир. Шаҳарни ва комбинатни лойиҳалаш, асосларини шакллантириш, тиклаш ва бугунги даражага эриштириш учун қанчадан-қанча кишиларнинг юксак иродали меҳнати, қалб қўри ва жонбозлиги сарф бўлган. Навоийдаги бугунги ёш авлод уларнинг анъаналарини давом эттириб, шу пайтгача эришилган ютуқларни меҳнатда ва маънавий ҳаётда қўлга киритилган янгидан-янги ютуқлар билан бойитмоқда.

Шу кунларда навоийликларнинг қайси бири билан гаплашманг, Президентимизнинг қарорини катта миннатдорчилик билан тилга оладилар. Уларнинг сўзларида ўз жонажон шаҳарлари ва кон-металлургия комбинатидан фахрланиш ҳамда бу заминнинг ёрқин, обод ва фаровон келажагига ишонч барқ уриб турганини ҳис қиламиз.

Қуйида ана шу фикр-ўйларнинг айримлари билан танишасиз.

**Э. БОТИРБОЕВ — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Навоий филиали директори ўринбосари:**

— Мен ўтган асрнинг 50-йилларида Конимехдаги ўрта мактабда ўқиганман. У пайтларда Навоий шаҳрининг ўрни биёбон-дашт эди. Пайти келиб, бу ерларда гуллаб-гуркираган шаҳар пайдо бўлади, дейишса, ишониш қийин эди. Аммо, мана, улуғ мутафаккир шоир номидаги гўзал шаҳар қад ростлади, бу ерда равон, кенг кўчалар, боғлар, кўллар, кошоналар бунёд этилди, саноат корхоналари ишга тушди, янги замонавий мутахассис кадрлар авлоди вояга етди. Навоий бобомиз ўз асарларида бундай шаҳарларни орзу қилган эди. Бу орзулар бугун рўёбга чиқди.



Шаҳримиз, айниқса, мустақиллик йилларида янада кўркамлашди. Ислоҳотлар талай соҳаларга янги ҳаёт олиб кирди. Биргина тиббиёт соҳасини олиб қарайдиган бўлсак, бу йўналишда мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди. Ўзим ишлаётган шифохонада Япониядан олиб келинган энг сифатли тиббиёт жиҳозлари, рентген аппаратлари, кардиомониторингларнинг ташхис-даволаш ишларида қилган туб бурилишлари тасаввуримизга ҳам сиғмасди. Бугун беморлар Тошкентга ёки хорижий давлатларга бориб юрмай, бу аппаратлар ёрдамида аъло даражада ташхисдан ўтишаяпти ва энг малакали тиббий ёрдамлар олаяпти.

Президентимизнинг Навоий шаҳри ва Навоий кон-металлургия комбинатининг 50 йиллик тантанасини кенг нишонлаш борасида қабул қилган қароридан юрагим фахрга тўлди. Бир томондан, Юртбошимизнинг шаҳримизга юксак эътибори мени севинтирган бўлса, иккинчи томондан, ушбу байрам олдидан амалга ошириладиган тадбирлар туфайли миллатлараро тотувлик, ўзаро ишонч, меҳр-оқибат кундалик ҳаёт тарзига айланган Навоий шаҳрининг янада гуллаб-яшнашига, ободлиги ва фаровонлигига хизмат қилади.

**Э. НУРМОНОВ — меҳнат фахрийси:**

— Мен Навоий шаҳрининг қурилишида иштирок этган кекса фуқаролардан бириман. Бу ерда биринчи уйлар, биринчи корхоналар пойдеворини қўйишда оддий қурувчи сифатида қатнашганимдан фахрланаман.

Шаҳарнинг бугунги гўзаллиги, орасталигини қаранг! Навоий бобомиз номидаги боғ шаҳарни жуда очиб юборди. Чет элларда, Россиянинг кўп манзилларида ҳам бўлдим. Лекин бизнинг шаҳримиз Европанинг ҳам, бошқа юртларнинг ҳам шаҳарлари билан гўзалликда, орасталикда бемалол беллаша олади.

Ҳозирги кунда шаҳримиз ва кон-металлургия комбинати билан қанчадан-қанча хорижий корхоналар ўртасида иқтисодий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Одамларнинг турмуш шароити тобора яхшиланиб бораяпти.

Бизнинг кон-металлургия комбинатидай маҳобатли корхона дунёда камдан-кам топилади. Бу ерда неча ўнлаб миллатларнинг вакиллари меҳнат қилмоқда. Мана шу комбинат қурилишида ҳам меҳнатим сингганидан ғурурланаман.

Қурувчи одамнинг фикру хаёлида доимо бунёдкорлик, яратиш, ҳаётни ривожлантириш ўйлари ҳукмрон бўлади. Менинг болаларим ҳам шу касбни танлаб, биз бошлаган ишларни давом эттиришяпти. Тинчлик, мустақиллик абадий бўлсин.

**О. АБДИМЎМИНОВ — Навоий давлат педагогика институти аспиранти:**

— Алишер Навоий номи билан аталаётган бу саховатли замин, бугунги кунда манбаларда таъкидланаётганидай, «мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган цементнинг 42, рангли металларнинг 73 фоизини бермоқда».

Навоий ҳар жиҳатдан ўсиб-ривожланаётган шаҳар. Жумладан, уни «Талабалар шаҳри» деб атасак ҳам муболаға бўлмайди. Бу ерда олий маълумотли кончилар, кон-металлургия соҳаси муҳандислари, юқори малакали педагогларни етиштирадиган олий таълим муассасалари бор. Ўнлаб коллеж ва лицейлар фаолият кўрсатаяпти. Турли миллат болаларини ўз бағрида тарбиялаётган муҳташам замонавий мактаблар мавжуд. Мен ўзим аспирантурасида ўқиётган педагогика институтида талабаларга энг сўнгги замонавий технологиялар асосида таълим берилмоқда. Ёшлар йилида шаҳримизда махсус дастур бўйича ёшлар манфаатига доир кенг кўламли ишлар олиб борилаяпти.

Президентимизнинг Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳрининг 50 йиллигини нишонлашга доир қарори биз, навоийлик ёшларни ниҳоятда қувонтирди. Шаҳримизда ташкил топган «Бунёдкор» клубига бирлашган биз ёшлар Юртбошимиз қарорида белгиланган шаҳарни ободонлаштириш, қурилиш ва реконструкция ишларига ўз ҳиссамизни қўшишни ният қилганмиз.

**Ҳилола ИСМАТОВА**
**тайёрлади.**

# ЮТУҚ ВА РЕЖАЛАР ТАҲЛИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

дан, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини маҳаллийлаштириш, модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, озиқ-овқат бозори барқарорлигини таъминлаш, мева-сабзавот маҳсулотлари захирасини яратиш каби ишлар талаб даражасида эмас.

Шунингдек, вилоятда касб-ҳунар коллежларига ўқувчилар қабул қилиш тизимини такомиллаштириш, битирувчиларни ишга жойлаш масалаларига ҳам етарлича эътибор берилмаяпти. Иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фондини ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, ишлаб чиқариш инфратузилмасини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларида ҳам қатор камчиликлар мавжуд.

Мажлисда мазкур камчилик ва муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш юзасидан мутасадди раҳбарлар зиммасига аниқ вазифалар юклатилди.

Вилоят фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов иштирок этди.

**А. САТТОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

* * *

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ** фаолларининг биринчи ярим йиллик якунлари ҳамда жорий йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари бажарилишини таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилишини вилоят ҳокими Н. Зайниев бошқарди.

Ўтган ярим йилда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 14,5 фоизга ошди. Ўсиш суръати саноат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда 19,7, қишлоқ хўжалигида 7,3, чакана савдода 11,2, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 16,6 фоизни ташкил этди.

Вилоятда саноатни ривожлантириш, корхоналарни техник ва технологик қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йил 106 янги саноат корхонаси иш бошлади, 53 корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати оширилди, 46 корхона замонавий ускуналар билан модернизация қилинди.

Хусусий сектор вакилларини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 75 минг 390 тага етди. Уларга молиявий кўмаклашиш мақсадида 28,5 миллиард сўм миқдорида кредит маблағи ажратилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 1,5 баравар кўпдир. Ҳисобот даврида 35,8 минг янги иш жойи яратилди. Бунда касаначилик ва оилавий тадбиркорлик имкониятларидан кенг фойдаланилди.

Йиғилишда иқтисодиёт тармоқларини маҳаллийлаштириш ва модернизация қилиш дастурларининг бажарилиши, озиқ-овқат ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларини қиш мавсумига ғамлаш, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига ўқувчиларни қабул қилиш тизимини такомиллаштириш ва битирувчиларни ишга жойлаштириш, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Шунингдек, мавжуд муаммо ва камчиликлар атрофлича таҳлил қилинди. Китоб, Яккабоғ, Шаҳрисабз туманларида минитехнологиялар олиб келиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш талаб даражасида эмас. Айрим туманларда ёшларни иш билан таъминлашда сусткашлик кузатилмоқда.

Ана шундай камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш ва муҳокама этилган бошқа масалалар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Шоисматов сўзга чиқди.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбирда тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, олим ва мутахассислар иштирок этди.

Таъкидланганидек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ватанимиз мустақилликка эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатдир. Демократик, ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишининг, бутун ички ва ташқи сиёсатнинг энг устувор йўналиши этиб белгиланган.

Мазкур декларация қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ўз ифодасини топган.

Мамлакатимизда жамият ва давлат қурилиши соҳасида сиёсий партиялар, мустақил оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ўрни муттасил мустаҳкамланмоқда. Улар аҳолининг сиёсий, ижтимоий фаоллигини ошириш, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишнинг қудратли омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Семинарда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, жамиятни демократик янгилаш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва уларнинг фаолиятини оммавий ахборот воситалари орқали ёритишга доир масалалар атрофлича муҳокама этилди. Анжуманда, шунингдек, оммавий ахборот воситаларини замонавий андозалар асосида ривожлантиришга кўмаклашишга қаратилган долзарб мавзулардаги маърузалар тингланди.

— Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек, оммавий ахборот воситалари ходимлари жамиятда рўй бераётган жараёнларнинг кузатувчиси эмас, балки фаол иштирокчиси бўлиши лозим, — дейди Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлимининг масъул котиби Р. Ирисов. — Шу нуқтаи назардан бундай семинарларнинг тез-тез ўтказиб турилиши журналистларимиз зиммасидаги масъулият ҳиссини янада кучайтиради, уларнинг инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга доир билим ва тушунчаларини бойитишга хизмат қилади.

**(ЎзА).**

## ЖАҲОН — 24 соат ичида

### Тўқнашув оқибати



***Миссисипи дарёсининг Янги Орлеан (АҚШ) штатидан ўтган ҳудудида баржа (шатакка олиб юриладиган кема) ва Либерия компанияларидан бирига тегишли "Tintomara" танкери тўқнашиб кетди.***

"АР" хабарида икки корпусли танкерда 15 миллион тонна дизель ёнилғиси ва 4 миллион тоннага яқин пластмасса буюмлари ишлаб чиқаришга ишлатиладиган суюқлик юклanganлиги айтиб ўтилган. Лекин юк эгаси ҳисобланган "Laurin Maritime" компанияси тўрт миллион тонна суюқлик ҳақидаги хабарни инкор этмоқда.

Дарё хизмати маълумотларида келтирилишича, тўқнашув оқибатида баржа иккига бўлиниб кетган.

Ҳозирда дарёнинг ушбу қисмида барча ҳаракатлар вақтинча тўхтатилган. Жабрланган ва ҳалок бўлганлар тўғрисида ҳеч қандай маълумотлар тарқатилмаган.

### Японияда зилзила

***Японияда Рихтер шкаласи бўйича 6,8 балли зилзила содир бўлди.***



Бу ҳақда "Kyodo News" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Табиий офат натижасида 10 минг оила электр тармоғидан узилиб қолган. Хабарларда айтилишича, мамлакатнинг Иватэ, Аомори, Мияги, Акита ва Тиба шаҳарчалари, айниқса, жиддий зарар кўрган. Шу ҳудудлардаги тезюрар поездлар қатнови тўхтаб қолган. Маълумотларда келтирилишича, 130 га яқин инсон турли даражада тан жароҳати олган.

Мамлакат метеорология хизматининг таъкидлашича, зилзила оқибатида цунами содир бўлиши хавфи йўқ.

### Миллиардерлар чекишга қарши

***Дунёнинг энг бадавлат фуқаролари — Билл Гейтс ва Майкл Блумберг чекишга қарши курашиш учун 375 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлашга қарор қилишди.***

"ИТАР-ТАСС" ахборот агентлигининг хабар беришича, улар ажратган маблағ кашандалар сони жиҳатидан жаҳонда олдинги ўринларда турувчи — Хитой, Ҳиндистон, Индонезия, Бангладеш ва Россия мамлакатларида ташкил этиладиган турли тадбирларга сарфланади.

### Голливуднинг бойвачча актёрлари

***"Forbes" журнали энг кўп даромад топаётган Голливуд актёрлари номларини эълон қилди.***




Журнал ходимларининг кузатишлари шуни кўрсатмоқдаки, 2007 йилнинг биринчи июль санасидан жорий йилнинг шу кунига қадар 80 миллион доллар миқдорида пул ишлаган Уилл Смит бу борада барча ҳамкасбларини ортда қолдирган. 72 миллион доллар миқдорида бойлик ортирган Жонни Депп эса бойвачча актёрлар рўйхатида иккинчи бўлиб турибди.

Шунингдек, кучли ўнликда Эдди Мерфи, Леонардо Ди Каприо, Майк Майерс, Брюс Уиллис, Бен Стайлер, Николас Кейж, Уилл Феррел ва Адам Сэндлер каби таниқли номларни кўрамиз. Таажжубланарлиси, мазкур рўйхат кучли ўнлигидан аёл актрисалардан фақатгина Камерин Диаз жой олган, холос. Унинг йиллик даромади 55 миллион долларга тенг экан.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***





*Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилоят ахборот-кутубхона марказида китобларнинг электрон каталогини тузиш ниҳоясига етказилмоқда. Қарийб икки йилдан буён давом этаётган ушбу жараён натижасида ўттиз мингдан зиёд «тафаккур қатон»лари электрон каталокка киритилди. Улар қаторидан шарқ адабиётига оид ноёб асарлар ҳам ўрин олган.*

## ХИЗМАТ ҚАМРОВИ КЕНГАЙМОҚДА

— Китобхон учун бунинг аҳамияти катта, — дейди мазкур марказ директори Мамлакат Самадова. — Аввало, ўқувчи ўзига керакли китобни қисқа вақт ичида компьютер воситасида топиб олади. Агарда, ўқувчи излаган адабиёт кутубхонада мавжуд бўлмаса, уни республикамизнинг бошқа кутубхоналаридан ҳам ахтариш имкони бор. Ҳатто ўша китобни буюртма асосида олиб, мутолаа қилиш ҳам мумкин.

Марказ жамоаси адабиётларнинг электрон вариантини яратиш устида ҳам амалий чора-тадбирлар олиб бормоқда. Шу мақсадда ходимларнинг компьютер саводхонлигини ошириш, улар учун семинар-тренинглар мунтазам уюштириб борилмоқда.

Сир эмас, сўнгги йилларда ахборотга бўлган эҳтиёж кучайди. Шу маънода Президентимизнинг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Ушбу қарор туфайли фаолиятимизда туб ўзгаришлар юз берди, — дейди М. Самадова. — Ахборот-кутубхона марказлари ҳамда халқ таълими ва ўрта махсус

**▼ Қарор ва ижро**

касб-ҳунар таълими тизимида ахборот-ресурс марказлари фаолият кўрсатмоқда. Масканимиз эса улар учун услубий марказ ҳисобланади. Шу мақсадда бу ерда ўқув маркази ташкил этилиб, унда ахборот-ресурс марказлари ходимлари компьютер саводхонлиги бўйича сабоқ олишмоқда.

Қарор ижросини таъминлашда Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг кўмаги катта бўлаётир. Чунончи, агентлик ёрдамида компьютерлар сони 36 тага етказилиб, электрон ўқув залига асос солинди. Ахборот воситалари Интернет ва Ziyonet тармоғига уланди. Шунингдек, замонавий сканер воситасида ўтган асрнинг 21-30 йилларида чоп этилган газеталарнинг электрон версиялари тайёрланмоқда.

Ўтган йилнинг дастлабки ярмида марказ ўқувчилари сони 10 минг 600 нафарни ташкил этганди. Жорий йилниг ўтган олти ойи якунида эса уларнинг сони 12 минг нафарга етди. Бу эса китобхонлик, шу жумладан, ахборотга бўлган талабнинг ортиб бораётганидан дарак беради.

Ҳа, бугун марказ хизматидан фойдаланувчилар сафида нафақат талаба ва тадқиқотчилар, балки фермер, ҳисобчи, тадбиркор каби турли соҳа вакилларини учратиш мумкин. Уларга Хосият Аълоева, Зевар Салимова, Аргентина Маилова, Лида Ветчинкина сингари тажрибали ходимлар сидқидилдан хизмат кўрсатиб келишмоқда.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ПЕКИНДА ШҲТ МАМЛАКАТЛАРИ МАДАНИЯТИ КЕЧАСИ

***Пекиндаги Миллий катта театр концерт залида XXIX ёзги Олимпиада ўйинларига бағишланган маданий тадбирлар доирасида «Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти мамлакатлари маданияти кечаси» бўлиб ўтди.***

ХХР Маданият вазирлиги томонидан ташкил этилган концертда Хитой ҳукумати, ШҲТга аъзо давлатлар элчихоналари ва кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

**▼ Анжуман**

Икки кун давомида улуғвор театр биносида ШҲТ аъзолари — Ўзбекистон, Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларининг миллий куй ва қўшиқлари янгради. Ушбу мамлакатларнинг таниқли хонанда ва мусиқачилари санъат шинавандалари эътиборига ўз миллий мусиқа асарларидан иборат бўлган куй ва қўшиқлар гулдастасини тақдим этдилар.

Анжуман Пекиннинг «Баи» ўрта мактаби ўқувчиларидан тузилган болалар хори ижросидаги «Молихуа» («Ясмин») қўшиғи билан очилди. Шундан сўнг томошабинлар эътиборига «Ал коныр» қозоқ халқ қўшиғи ҳамда қозоғистонлик таниқли пианиночи А.Асабаева жўрлигидаги Ш.Гунонинг «Ромео ва Жульетта» операсидан «Жульетта вальси» ҳавола этилди.

Ўзбек фольклор асарларини «Офарин» ансамбли, қирғиз халқ куйи «Ширилдоқ»ни Қирғизистон миллий филармонияси «Камбаркан» ансамбли, «Хижрон» операсидаги Каварадосси ариясини К.Туропов маҳорат билан ижро этди. Тожикистонлик қўшиқчи М.Достиев «Оламафрўз» ҳамда «Бир қизни учратдим» қўшиқларини, Россия халқ артисти В.Маторин эса «Благословляю, вас леса...» ариясини куйлади.

Гала-концертнинг иккинчи куни ШҲТга аъзо мамлакатлар мусиқа санъатининг ўзига хос фестивалига айланди. Хитой миллий симфоник оркестри жўрлигида таниқли скрипкачи Сюэ Вэй, сопрано Хуан Ин, тенор Фан Цзинма ҳамда пианиночи Чэн Санинг чиқишлари намойиш этилди.

Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов раҳбарлигидаги «Офарин» ансамблининг дастури мухлисларда айниқса, катта қизиқиш уйғотди. Ўзбек миллий мусиқа асарларидан тузилган ўзига хос попурри Миллий катта театрга йиғилган икки мингдан зиёд томошабиннинг кўнглига бир олам шодлик туҳфа этди.

**«Жаҳон» АА.**
Пекин


«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ

**бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида 2008 йил 26 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**I.** Аукцион савдосига суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Юнусобод тумани судининг 2007 йил 11 декабрдаги 1-802/07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, қарздор «VENUS FOOD» МЧЖнинг мол-мулклари қўйилмоқда.

«VENUS FOOD» МЧЖнинг бошланғич баҳоси 225 200 000 сўм бўлган қуйидаги мол-мулклари жамланма (комплекс) ҳолатда сотиш учун қўйилмоқда.

**1.** Майдони 42,23 кв.м. бўлган, 2 хонадан иборат, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳасида жойлашган 7-уйдаги 22-хонадон (квартира).
*Бошланғич баҳоси — 30 200 000 сўм.*

**2.** Майдони 73,78 кв.м. бўлган, 3 хонадан иборат, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Ғалабанинг 40 йиллиги мавзесининг 2-даҳасида жойлашган 15-«Б» уйдаги 74-хонадон (квартира).
*Бошланғич баҳоси — 44 000 000 сўм.*

**3.** Майдони 68,72 кв.м. бўлган, 3 хонадан иборат, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Пушкин-Пишпек кўчасида жойлашган 4-уйдаги 15-хонадон (квартира).
*Бошланғич баҳоси — 75 500 000 сўм.*

**4.** Майдони 68,72 кв.м. бўлган, 3 хонадан иборат, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Пушкин-Пишпек кўчасида жойлашган 4-уйдаги 35-хонадон (квартира).
*Бошланғич баҳоси — 75 500 000 сўм.*

**II.** «VENUS FOOD» МЧЖнинг майдони 57,52 кв.м. бўлган, 3 хонадан иборат, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Пушкин-Пишпек кўчасида жойлашган 4-уйдаги 37-хонадон (квартира).
*Бошланғич баҳоси — 75 500 000 сўм.*

**III.** «VENUS FOOD» МЧЖнинг бошланғич баҳоси 1 985 815 692 сўм бўлган қуйидаги мол-мулклари жамланма (комплекс) ҳолатда сотиш учун қўйилмоқда:

**1.** Умумий майдони 15151 кв.м., қурилиш ер майдони 7450 кв.м. бўлган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, Височовольтний кўчаси, 7-«А» уйда жойлашган қандолат цехи бино ва иншоотлари.
*Бошланғич баҳоси — 553 769 566 сўм.*

**2.** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, Височовольтний кўчаси, 7-«А» уйда жойлашган қандолат ишлаб чиқариш линияси ва унга тегишли бўлган ускуналар ва офис дизайн ашёлари.
*Бошланғич баҳоси — 931 898 670 сўм.*

**3.** Умумий майдони 4893 кв.м. бўлган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Оҳангарон шоҳкўчаси, 37-уйда жойлашган бино ва иншоотлар.
*Бошланғич баҳоси — 500 147 456 сўм.*

**IV.** Аукцион савдосига суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан Тошкент шаҳри хўжалик судининг 2006 йил 10 майдаги 10-0604/517-сонли ижро варақасига асосан хатланган, қарздор «ТОМОЗЕМ» МЧЖнинг Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Сағбон кўчаси, 30-берк кўча, 8-уйда жойлашган, бошланғич баҳоси 1 821 189 000 сўм (1 444 340 АҚШ доллари) бўлган қуйидаги мол-мулклари жамланма (комплекс) ҳолатда сотиш учун қўйилмоқда:

**1.** Умумий майдони 1687 кв.м. бўлган, 2 қаватдан иборат кўчмас мулк.
*Бошланғич баҳоси — 619 964 000 сўм (491 680 АҚШ доллари).*

**2.** Вафли маҳсулоти ва шоколад глазури ишлаб чиқариш ускунаси.
*Бошланғич баҳоси — 1 201 225 000 сўм (952 660 АҚШ доллари).*

Мол-мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк»и Собир Раҳимов филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452105, МФО 00901, ИНН 200933850.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz**

**Лицензия: DB 001 № 000004.**



*Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг**
**МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**
қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича
ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛИШИ ҲАҚИДА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

қўнжи калта этиклар ва иссиқ тутадиган ботинкалар; қўнжи калта эркаклар хромли ботинкалари; аёллар туфлилари; хромли ва булғори чармли (юфтевые) қўнжи баланд ботинкалар.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 1-берк кўча, 1-уй.
Талабгорлардан тендерда иштирок этиш таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2008 йил 29 август куни соат 17.00 гача.

**Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 281-43-72, 255-76-72, 255-85-03. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73. E-mail: umtvs@uzpak.uz**
**Қўшимча маълумот қуйидаги сайтда жойлаштирилган: www.dgMarket.uz**



*Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг**
**МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**
қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича
ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛИШИ ҲАҚИДА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

денгиз тўлқини рангли трикотаж футболкалар; денгиз тўлқини рангли трикотаж майкалар; оқ рангли трикотаж майкалар; мош рангли (хаки) трикотаж майкалар; кўк рангли трикотаж майкалар; пахтали ёстиқ ва матрацлар; ип аралашган жунли аскарлар одеялоси; ип аралашган жунли шлем тагидан кийиладиган тўқима бош кийимлар (подшлемники); дастрўмоллар; катак-катак сочиқлар; қишки пайтавалар; госпиталь қишки халатлари; госпиталь ёзги костюмлари; госпиталь беретлари; бош кийимлар учун байроқчалар.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 1-берк кўча, 1-уй.
Талабгорлардан тендерда иштирок этиш таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2008 йил 11 август куни соат 17.00 гача.

**Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 281-43-72, 255-76-72, 255-85-03. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73. E-mail: umtvs@uzpak.uz**
**Қўшимча маълумот қуйидаги сайтда жойлаштирилган: www.dgMarket.uz**



КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг**
**МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**
қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича
ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛИШИ ҲАҚИДА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

денгиз тўлқини рангли иссиқ тутадиган плашли матодан эркаклар курткалари; ип аралашган жунли эркаклар енгил курткалари; ип аралашган жунли аёллар енгил курткалари; денгиз тўлқини рангли ип аралашган жунли шимлар; «соя» («тень») рангли қишки камуфляж курткалар; «соя» рангли иссиқ тутадиган қишки калта комбинезонлар (полукомбинезон); денгиз тўлқини рангли енги узун кўйлаклар; денгиз тўлқини рангли енги калта кўйлаклар; оқ рангли енги калта кўйлаклар; денгиз тўлқини рангли қишки шапка-фуражкалар; ВПО (БОП-II) брезент костюмлари; «қум» («песок») рангли ёзги камуфляж костюмлар.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент ш., Ш. Руставели к., 1-берк кўча, 1-уй.

**Талабгорлардан тендерда иштирок этиш таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2008 йил 25 август куни соат 17.00 гача.**

Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 281-43-72, 255-76-72, 255-85-03. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73. E-mail: umtvs@uzpak.uz

Қўшимча маълумот қуйидаги сайтда жойлаштирилган: www.dgMarket.uz



SONATA
Ўз йўлингни танла!
Drive your way



КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ.
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
EURO2008
HYUNDAI Official Partner
Tel. 250-11-11



**ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР**
**ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ**
**КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ "КЧМ",**
РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ, КПД ОТ 79 ДО 90%

Преимущества чугунных котлов:
- наибольший срок службы среди других типов котлов
- конструкция, проверенная годами
- проработанная производственная технология
- несложное обслуживание и уход
- низкие требования к дымовой тяге
- широкий мощностной ряд
- универсальность (возможность работы на разных видах топлива)
- более высокое рабочее давление
- высокий КПД, недостижимый для других котлов

**КАФЕЛЬ** (облицовочный и напольный)
**САНТЕХНИКА** (унитазы, умывальники в большом ассортименте)
товар сертифицирован, форма оплаты — любая
**ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ**
**Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04**
Торговый магазин, ул. Уста Ширин, 125, внутри строительного рынка № 127



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

# МАДАНИЯТ хабарлари

## Ёшлик ва шижоат байрами

***Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги олдидан Марғилон шаҳридаги "Туягум" маҳалла фуқаролар йиғинида "Билим ва истеъдодим сенгадир, Ватан!" шиори остида ёшлар байрами бўлиб ўтди.***

Анжуманни ташкиллаштиришдан мақсад, ёшларнинг ҳар жиҳатдан кучли, билимли, соғлом ва баркамол шахс бўлиб воя га етишига ҳисса қўшишдир.

Тадбирда йигит-қизларнинг "Биз озод юрт фарзандларимиз" деб номланган бадиий дастури, шунингдек, ўқувчилар ижодиёти марказининг "Зарб" доирачилар гуруҳи, 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби спортчилари ҳамда шаҳар маданият ва спорт бўлими санъаткорларининг чиқишлари байрамга алоҳида шукуҳ бағишлади. Шодиёнада шахмат, шашка, стол тенниси бўйича мусобақалар, ҳунармандларнинг ижодий кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.**

## «Умид» Голландияга боради

***Зангиота туманининг "Иттифоқ" маданият маркази қошида фаолият кўрсатаётган "Умид" ёшлар ижодий жамоаси нафақат мамлакатимизда, балки кўплаб хориж давлатларида ҳам ўз санъатини намоён этиб келаётган гуруҳлардан биридир.***

Жорий йилнинг 28 июлидан 6 августига қадар Голландиянинг Одорон шаҳрида бўлиб ўтадиган "24-Халқаро "СИВО" фольклор-рақс фестивалига "Умид" жамоаси 40 нафар иштирокчи билан таклиф этилди. Жаҳондаги 50 дан зиёд мамлакат вакиллари қаторида миллий санъатимизни тараннум этувчи ушбу ансамбль халқаро анжуманга атаб "Боғу бўстон — Ўзбекистон" деб номланган концерт дастурини тайёрлади.

Хориж фестивалида гуруҳ сафида таниқли санъаткорлар ҳам иштирок этадилар. Хусусан, Ботир Зокиров номидаги Республика эстрада кўрик-танловининг лауреати Абдулла Қурбонов, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артистлар Санобар Каримова, Рауза Адамбоева, Флорида Низомиддинова, ёш раққоса Дилфуза Қодирова сингари истеъдод соҳиблари бетакрор санъатимизни Голландияда намойиш этишади.

**Суннатилла ҚЎЧҚОРОВ.**



## «Рақслар гулшани»

***Наманган санъат коллежида Мустақилликнинг 17 йиллигига бағишлаб «Рақслар гулшани» кўрик-танлови ўтказилди.***

Бадиий ҳаваскорлик йўналишида янги истеъдодларни кашф этиш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирда эллик нафарга яқин ёшлар ўз маҳоратларини синовдан ўтказди.

Ҳакамлар ҳайъати саҳнада хиром айлаган ҳар бир талабгорнинг ижро маҳорати, саҳна либослари ва безакларига алоҳида эътибор бердилар. Танловда Наманган шаҳри маданият ва спорт ишлари бўлими хизматчиси Дурдона Усмонова ғолиб деб топилди. Энди у кўрик-танловнинг Бухоро шаҳрида ўтказиладиган республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



***Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бундан ўн олти йил муқаддам, мустақилликка эришган дастлабки йилларимиз, юртимизда "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганлиги фикримиз тасдиғидир.***

***Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ташкил этилган сана — 1992 йил 21 январь мамлакатимиз тарихининг олтин зарварақларидан жой олди. Қолаверса, юртимиз МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб, Халқаро Олимпия қўмитасига аъзо бўлди. Бинобарин, Ўзбекистонимиз Осиё Олимпия ҳаракати ҳамда минтақавий ташкилот саналмиш Осиё Олимпия кенгашининг ҳам тенг ҳуқуқли аъзосидир.***




# ОЛИМП ЧЎҚҚИСИДА ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ

### Ким эдигу ким бўлдик?

Маълумки, собиқ иттифоқ даврида ҳамюртларимиз тўққиз бора Олимпиада ўйинларида иштирок этишган. Тўрт йилда бир маротаба ўтказилувчи ушбу нуфузли мусобақаларда атиги 45 нафар ўзбек спортчиси қатнашганлигини ҳисобга олсак, истиқлол биз учун нақадар бебаҳо имкониятлар эшигини очгани ўз-ўзидан аён бўлади. Зеро, истиқлолга эришганимиздан сўнг илк марта Барселонада ўтган Олимпиадада қатнашган 17 нафар вакилимиз ўшанда Ҳамдўстлик терма жамоаси таркибида майдонга тушган эди. Шунга қарамай, спортчиларимиз турли даражадаги олтита медаль соҳиби бўлишди. Шундан сўнг юртдошларимиз тўртта (Барселонада Ҳамдўстлик таркибида қатнашганини ҳам ҳисобга олсак) ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этишди.

Ёзги Олимпиада ўйинларида фақат иштирокчилар сони эмас, улар қўлга киритган медаллар сони ва сифати ҳам тобора юксалиб бораётгани қувонарли ҳолдир. Мисолларга мурожаат қилайлик. 1996 йили Атлантада ўтган XXVI ёзги Олимпиада ўйинларида 76 нафар спортчимиз мусобақанинг 13 турида иштирок этди. Дзюдочи Армен Богдасаров кумуш, боксчи Карим Тўлаганов эса бронза медалини қўлга киритди. Шу тариқа жамоамиз икки юзга яқин мамлакат ичида 58-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Орадан тўрт йил ўтиб Сидней Олимпиадасида қатнашган спортчиларимиз битта олтин (боксчи Муҳаммадқодир Абдуллаев), битта кумуш (эркин курашчи Артур Таймазов), иккита бронза (боксчилар Сергей Михайлов ва Рустам Саидов) медалларига сазовор бўлишди. Натижада умумжамоа ҳисобида 41-ўринни эгалладик. Афина Олимпиадасида (34-ўрин) етти поғона юқорига кўтарилганимиз эса юртимизда спортни ривожлантиришга нақадар юксак эътибор қаратиб келинаётганини исботлади. Зеро, ўша йили алп ўғлонларимиз — Александр Доктурашвили ва Артур Таймазов олтин, Магомед Ибрагимов кумуш, Баҳодир Султонов ҳамда Ўткирбек Ҳайдаров бронза медалига сазовор бўлдилар.

Олимпиада дастурига киритилган спорт турларида ҳамюртларимиз эришган ютуқлар ҳақида халқаро спорт доираларида бот-бот гапирилмоқда. 1996 йилнинг февралида Халқаро Олимпия қўмитаси қароргоҳи жойлашган Швейцариянинг Лозанна шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Олимпия олтин ордени топширилди. 1997 йили Осиё Олимпия кенгаши президенти Шайх Аҳмад ас-Сабаҳ Юртбошимизга Осиё Олимпия кенгашининг Олимпия олтин орденини топширди. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари Миллий Олимпия қўмиталари ассоциациясининг олтин орденига ҳам лойиқ деб топилди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда спортга бўлган алоҳида эътибор ва унда эришган ютуқларимизнинг халқаро эътирофидир.

Яна саноқли кунлардан сўнг Хитой пойтахти Пекинда бўлиб ўтадиган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашиш учун ҳамюртларимиз спортнинг ўн беш тури бўйича олтмишга яқин йўлланмани қўлга киритишди. Демак, ушбу халқаро беллашувда ҳам спортчиларимиз муваффақиятига умид боғласак арзийди.

### Ёш авлод камоли йўлида

2002 йили Президентимиз ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши мамлакатимизда спортни оммалаштириш борасидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Жамғарма маблағлари ҳисобига 2003-2007 йилларда 711 та болалар спорти мажмуаси қурилди. Шундан 583 таси энг чекка ҳудудларда бунёд этилгани аҳамиятлидир.

Маълумки, жаҳон мамлакатларида ўқувчи ва талаба ёшларнинг турли спорт мусобақалари мавжуд. Аммо ёш авлодни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишнинг уч босқичли узлуксиз тизими ҳеч бир давлатда йўқ эканлиги, бизда эса бу борада салмоқли ишлар қилингани бугун жаҳон жамоатчилиги диққат-эътиборини тортмоқда. Зеро, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида таълим тизимининг узлуксизлик талабларига уйғунлашган уч босқичли оммавий спорт ҳаракати — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" мусобақалари ташкил этилди ва у бугун изчил давом эттирилмоқда. Мусобақалар ўтказилиши баҳонасида бир-биридан муҳташам замонавий спорт иншоотлари қад ростлаяпти, натижада, одамларнинг спортга, жисмоний тарбияга муносабати ўзгараяпти. Шу туфайли ёшларимиз нуфузли спорт мусобақаларида юрт шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда.

Энг муҳими, бундай қулай шарт-шароит нафақат спорт майдонларида, балки ҳаётдаги интилишларида ҳам ёшларимизнинг парвозига қанот бериб, уларни иродаси мустаҳкам, элюртига садоқатли, Ватан шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда.

### Имкониятлар етарли

Миллий спортимиз — кураш бўйича ўтказилаётган халқаро мусобақаларда қалбимиз ғурур ва ифтихорга тўлиши бежиз эмас. Мусобақа жараёнида қайси миллат вакили бўлишидан қатъи назар, "ҳалол", "чала", "ёнбош", "ғирром" сингари ўзбекча сўзлар жаҳон узра жаранг сочади-ю, фахрланмай бўладими?

Шукрки, кураш бундан ўн йил муқаддам халқаро спорт тури сифатида тан олинди. Беш қитъада Кураш конфедерациялари ташкил этилганлиги жаҳон спорти тарихида мисли кўрилмаган воқеликлардан бири эди. Қувонарлиси, бугунга келиб Халқаро Кураш ассоциациясига аъзо давлатлар сони 102 тага етди.

Бугун жаҳондаги нуфузли халқаро спорт ташкилотлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, йирик мусобақаларга Ўзбекистон мезбонлик қилишини таклиф этмоқда. Бундай спорт мусобақаларининг бир нечтаси юртимизда ўтказилаяпти ҳам. Ваҳоланки, жаҳон ёки Осиё чемпионатига мезбонлик қилиш истагидаги давлатлар айни пайтда кўпчиликни ташкил этади. Аммо бунинг учун ўша мамлакатда яратилган шарт-шароит замонавий талабларга мос, юксак даражада ҳозирланган бўлиши керак. Тўғри, бир пайтлар бизда ҳам кўзга кўринарли биттагина спорт иншооти — "Пахтакор" стадиони мавжуд эди, холос. Бугун эса не бахтки, "Динамо" теннис корти, "Ёшлик" ва "Ўзбекистон" спорт мажмуалари, "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуи, "Умид" болалар спорт мажмуи ва вилоятларда бунёд этилган юзлаб замонавий иншоотларда нуфузли мусобақаларни ўтказиш учун барча имкониятлар етарли. Шуларни ўйлаганинг сайин Олимп чўққиси узра она-юртимиз байроғи ҳали кўп ва хўп ҳилпирашига ишончинг ортаверади...

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Халқаро сув спорти федерацияси (FINA) ташкил топганига 100 йил тўлди. Шу муносабат билан "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти томонидан махсус почта маркалари ва хотира тамғаси ишлаб чиқарилди.***

## Сув спортчиларига эҳтиром

Тақдимот маросимида таъкидланганидек, Ўзбекистон сув спорти федерацияси бундан ўн тўрт йил олдин FINAга расмий аъзо бўлганди. Ўтган давр мобайнида спортнинг мазкур тури бўйича юртдошларимиз халқаро миқёсдаги ўнлаб мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишди. Уларда 300 дан зиёд (69 та олтин) медаль қўлга киритилгани ҳам мазкур соҳага катта эътибор берилаётганлигидан далолат беради.

Анжуман доирасида тадбир иштирокчиларига сув полоси, синхрон сузиш тасвирлари ва FINA рамзи акс этган почта маркалари намойиш этилди.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Боксчиларимиз шоҳсупада

***Россиянинг Виборг шаҳрида профессионал бокс бўйича рейтинг жанглари ўтказилди.***



Аҳамиятлиси, унда икки нафар ўзбек бокс мактаби тарбияланувчилари Улуғбек Бўрибоев ва Камолиддин Холбоевлар муваффақиятли иштирок этиб, ўзларининг навбатдаги ғалабаларини нишонладилар. Улуғбек эстониялик Леонтий Ворончукни осонлик билан мағлубиятга учратган бўлса, Камолиддин россиялик боксчи Николай Яковлев устидан очколар ҳисобига зафар қучди.

**Ойбек ТОШТЕМИРОВ.**










Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касаба уюшма қўмитаси Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси, амалиёти ва ҳуқуқ кафедраси мудири, профессор Бекдавлат Алиевга акаси

**Ҳасан АЛИЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий банки Тошкент шаҳар бош бошқармаси жамоаси Юридик бошқарма бошлиғи Муҳаммад Самандаровга волидаи муҳтарамаси

**Умринисо САМАНДАРОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси Анестезиология ва реаниматология, болалар анестезиологияси ва реаниматологияси кафедрасининг ассистенти Шомурод Тоҳировга падари бузруквори

**МЕЙЛИ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Математика ва информацион технологиялар институти жамоаси «Ўзбекистон математика журнали»нинг масъул котиби Комилжон Холлиевга падари бузруквори

**ЖУМАБОЙ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

*(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 29 июль, сешанба куни чиқади).*

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 26421 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5 6 7